КУТУБХОНАСИ

САЙЛОВ — ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА 2-бет
КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ 3-бет
МАКТУБЛАРДА БУГУНГИ КУН НАФАСИ 4-5-бетлар
ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ 6-бет

ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 231 (10.284) / 2004 ЙИЛ 25 НОЯБРЬ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 12 йиллиги муносабати билан фаоллар иштирокида уюштирилган анжуман «Конституция — бизнинг бош Қомусимиз» деб номланди.

• **БЕКТЕМИР** туманидаги 290-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими Кенгаши томонидан мактаб ўқувчилари ва маҳалла фаоллари иштирокида «Диний экстремизмнинг олдини олиш» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Ушбу мавзуга доир кинофильм намойиш этилди.

• **ЎТГАН КУНИ** шаҳримиздаги 6-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан мактаблар сардорлари иштирокида уюштирилган ўқув семинари «Сардорлар қандай бўлиши керак?» деб номланди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Чўчтепа» маҳалласида маҳалла фуқаролари ва ёшлар иштирокида «Янги парламент — менинг келажагим» мавзуида ўтказилган марафонда Тошкент Давлат юридик институти талабалари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Кўргазмалар*

## ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

**Шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Food Expo Uzbekistan 2004» номли озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари, халқ истеъмол молларининг халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**



TNT Productions inc (АҚШ) компанияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компаниялари ташкилотчилигида ўтказилаётган 9-анъанавий кўргазмада Польша, Россия, Ҳиндистон, Сингапур, Қозоғистон, Туркия, Чехия каби хориж давлатларининг етакчи фирма ва компаниялари, шунингдек мамлакатимизнинг «Тошкент ёғ-мой комбинати очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси, «Сабр» масъулияти чекланган жамияти, «Акватек» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси каби илғор корхоналари иштирок этмоқда.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мутахассислар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари фақат кўргазмага қўйилган сифатли маҳсулотлар билан танишибгина қолмай, балки озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ускуналари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқ ва муваффақиятларни муҳокама қилишиб, уларни мамлакатимиз саноатига татбиқ этиш борасида ҳам ўзаро манфаатли келишувларга эришишмоқда. Бир сўз билан айтганда, нуфузли халқаро кўргазма ўзаро тажриба алмашиш, юртимиз истеъмол бозорини ривожлантиришда ўзига хос ўрин тутишига шубҳа йўқ.

9-анъанавий халқаро кўргазма бугун якунланади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**
**Наталья Семёнова олган суратлар.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

• **Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Европа Комиссияси билан ҳамкорликда Темпус дастури доирасида «Марказий Осиёда олий таълим: ислоҳотлар ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида анжуман ўтказди.**

• **Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Миллий истиқлол ғояси — барқарорлик ва тараққиёт омили» мавзуидаги доимий республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

• **Кеча мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган умумреспублика спорт марафони бошланди. Югуриш баҳсларига Нукус шаҳрида старт берилди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи тадбирлари дастурига мувофиқ бугун Тошкент Давлат циркида «Мустақиллик, экология ва саломатлик» экофестивали бўлиб ўтди.**

• **Наманган вилоятида Европа Иттифоқининг Техник ҳамкорлик комиссияси (ТАСИС) дастури доирасидаги Фарғона водийсида аҳоли турмуш даражасини ошириш лойиҳасини татбиқ этиш ишлари бошланди.**

### Жаҳонда

• **БМТ Бош котиби Кофи Аннан жаҳон ҳамжамиятини Ироқда бўлиб ўтадиган сайлов жараёнини қўллаб-қувватлашга чақирди.**

• **Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Мудофаа вазирлари дунёнинг исталган нуқтасида қисқа муддатда фаол ҳаракат қила оладиган ҳарбий тузилма ташкил этиш борасида умумий бир келишувга эришдилар.**

• **Британия Ташқи ишлар вазири Жек Стронинг Яқин Шарққа икки кунлик сафари бошланди.**

• **Афғонистон ҳукумати бундан уч ҳафта олдин Кобулда гаровга слинган БМТнинг уч нафар вакили озод этилганлигини маълум қилди.**

• **Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Испаниянинг Бенидорм шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда ажойиб ғалабага эришди.**

• **Колумбиянинг Эквадор билан чегарадош ҳудудларида Галерас вулқони ҳаракатга кела бошлади — унинг устида баландлиги 10 километрга яқин қора тутун ҳосил бўлди.**

*Обуна — 2005*

## «ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ



**Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2005 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни таҳририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.**

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» таҳририяти ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рукнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.

*Транспорт*

## СЕРВИС ХИЗМАТИДАН МУТАХАССИСЛАР МАМНУН

**Бугунги кунда Тошкент шаҳрида «Мерседес-Бенц» русумли автобуслардан транспорт хизматида кенг фойдаланилмоқда. Германиядаги «ЭВО БУС ГМБХ» компанияси томонидан ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистонга юборилган бу хил транспорт воситалари умрини узайтириш борасида ҳам техникавий тадбирлар кўрилмоқда.**

Бунинг учун пойтахтимизда «Мерседес-Бенц»ларга сервис хизмати кўрсатиш маркази бунёд этилди. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқаруви саъй-ҳаракати билан йўлга қўйилган бундай техник жараёнда немис транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилиб, уларга сифатли сервис хизмати кўрсатилмоқда.

Марказнинг бу фаолияти «ЭВО БУС ГМБХ» компанияси мутахассисларининг ижобий баҳосига сазовор бўлди. Ушбу компания делегациясининг Тошкентга ташрифи чоғида унинг вакиллари мазкур марказда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

## ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛАРИ ЮТУҚЛАРИ

**Бугунги кунда «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси сарой ва корхоналарида техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилган. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари яқинда сарҳисоб қилинди.**

Компания рационализатор ва ихтирочиларининг навбатдаги слётида энг яхши техника ижодкорлари номлари фахр билан тилга олинди. 2-автобус саройининг чилангарлари Рустам Орипов ва Нуриддин Фахриддиновлар изланишлари ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Автобусларнинг орқа кўприги учун тайёрланган мослама бу рационализаторларнинг навбатдаги ютуғи деб баҳоланди.

Ҳозир бу корхонада ўндан ортиқ техника ижодкорлиги фидойилари меҳнат қилмоқда. Уларнинг изланишлари самараси туфайли шу йилнинг биринчи ярим йиллигида тўрт миллион сўм атрофида иқтисодий фойда кўрилди.

Слётда 4-автобус саройи, 2519-сонли автожамланма каби корхоналари ҳам муносиб тақдирланди.

## ТЕЛЕМЕХАНИКА ОРҚАЛИ БОШҚАРИЛАДИ

**Тошкент метрополитенида йўловчиларга бевосита техник хизмат кўрсатадиган қатор қурилма ва мосламалар анчагина. Еости темир йўлидан фойдаланишда эскалаторларнинг алоҳида ўрни бор, албатта.**

Ҳар бир метро бекатида беозор ҳаракатланиб турган бу мосламаларни бошқаришда электромеханика хизмати қўл келмоқда. Эскалатор бўлинмаси эса бу жараённинг асосий ижрочиси ҳисобланади.

Тошкент метросида эскалаторлар дистанцияси бўлинмаси орқали участкаларнинг иши мунтазам назорат қилинади. Эскалаторни туб таъмирлаш билан эса яна бир бўлим шуғулланмоқда.

Ҳозир ер ости қасри 29 та бекатдан иборат. Шулардан ўндан ортиғида тўрт хил русумдаги 34 та эскалатор мунтазам ҳаракатланиб турибди.

Эндиликда телемеханика орқали бошқаришга ўтилди. Бунинг учун метрополитенда марказлаштирилган нозимхона ташкил этилди.

**Акбар АЛИЕВ**

---

**26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

*Сайлов — талабалар нигоҳида*

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Сайлов — давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи, тараққиётнинг пойдеворини яратувчи сиёсий жараён. Ҳадемай мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бошланади. Илк Олий Мажлис икки палатадан иборат бўлади — юқори ва қуйи палатага депутатлар сайланади. Бу янги йўналиш ҳуқуқий демократик давлатнинг эртанги кунини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.**

**Хўш, бугунги кун талаба-ёшлари сайлов ва мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ҳақида қандай тушунчага эгалар. Ушбу саволларга Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 2-курс талабалари шундай жавоб беришди.**

**Шаҳноза ТАЙЛОҚОВА:**

— Мен 18 ёшдаман. Демак қонунга мувофиқ сайловда овоз бериш ҳуқуқим бор. Бешта сиёсий партияларимиз ва ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодларнинг ўзимга ёққанига танлаб овоз бераман.

**Севарахон ИШОНБЕКОВА:**

— Менинг назаримда икки палатали парламент давлат қонунларининг устуворлигини таъминлайди. Чунончи, Қуйи палатада 120 нафар депутатлар қонун лойиҳасини ишлаб чиқсалар, юқори палата — Сенатда эса мамлакат ва унинг фуқаролари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ушбу қонунлар муҳокама қилиниб, қабул этилади. Бу жараён ҳар бир демократик давлат бошқарувида юзага келади.

**Малика ИБРАГИМОВА:**

— Сиёсий партияларимиз бугунги кунда маълум даражада ўз мавқеига эга. Уларнинг ўз ғоя ва мақсадлари мавжуд. Масалан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг асосий мақсади аҳолининг ёш тадбиркор қатламларини, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўлса, «Адолат» социал-демократик партияси халқнинг ҳуқуқий эркинликларини ҳимоя қилиш, «Миллий тикланиш» партияси мамлакатимиз тараққий этиши масаласини асосий ғоя даражасига кўтарган.

**Арофат АКРОМОВА:**

— Менимча, ҳар бир сиёсий партиянинг фаоллашуви ижтимоий ҳаётдаги муҳим муаммоларнинг ечимини тезлаштирувчи омилдир.

Дарҳақиқат, парламентнинг юқори ва қуйи палаталари деярли ҳар бир тараққий этган давлатда фаолият юритади. Ўзбекистоннинг ҳам ана шундай ривожланган ҳуқуқий демократик давлатлар қаторидан жой олиши унинг ҳаётида ҳам намоён бўлаётир. Зеро, ҳар қандай демократик жамият мамлакат фуқароларининг манфаатларини юқори даражага қўяди. Бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланади.

**Зафар ЁҚУБОВ**

---

**Куни кеча Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, лицей раҳбарияти ташаббуси билан «Камолот» кунлари» тадбири ўтказилди.**

*Тадбирлар*

## САЙЛОВ ВА ЁШЛАР

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, академик лицей талабалари ўртасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мақсад ва вазифаларини кенгроқ тарғиб этиш, шу йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ҳақида маълумот бериш эди.

Йиғилишни академик лицей директори Роза Бўронова очиб мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги жуда муҳим воқеа бўлган икки палатали парламент сайловларига тайёргарлик кетаётгани ва бунда сайловчиларнинг фаоллиги катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Шу боис, бугунги «Камолот» кунлари» тадбирининг илк давра суҳбатини «Сайлов ва ёшлар» деб аташни лозим кўрдик, — деди у.

Таъкидланганидек, йиғилишда сайлов жараёни, унда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, сайловда илк бора овоз берадиган ёшларнинг ўрни мавзуларида фикрлар алмашилди.

Айниқса, лицейнинг тарих фани ўқитувчиси Шерзод Усмоновнинг икки палатали парламент афзалликлари тўғрисидаги маърузаси талабалар томонидан илиқ кутиб олинди.

Қизғин баҳс ва мунозаралар билан кечган мазкур тадбир давомида лицей талабаларидан Ғулом Ҳасанов, Қундуз Соатов, Назокат Абдуллаеваларнинг фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

**Ҳумоюн АЛИЕВ**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиатлари*

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА



**Илгари хабар берилганидек, ҳар йилги анъанага кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг талаба-магистрантлар учун таъсис этилган Давлат стипендияларининг 2004-2005 ўқув йилидаги стипендиантлари аниқланди.**

Танлов комиссияси томонидан танлаб олинган ўн бир нафар талаба-магистрантлар орасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг магистранти Пўлат Эргашев ҳам бор. 1997 йил Тошкентдаги ўрта мактабни намунали тугатган Пўлат Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги педагогик лицейга ўқишга киради. Лицейни аъло баҳоларга битириб, шу йили ушбу университетнинг «Педагогика ва психология» факультетига Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. У ўқишда намунали хулқи, билимга интилувчанлиги, жамоат ишларида ташаббускорлиги билан бошқаларга намуна бўлди. 2001-2002 ўқув йилида Пўлатжон республика талабалар олимпиадаси якуний босқичида «Педагогика» йўналиши бўйича, 2003 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган республика якуний II босқич олимпиадасида «Психология» йўналиши бўйича фахрли биринчи ўринларни эгаллади ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

«Интилганга толе ёр» деб бежиз айтишмайди. Пўлат Эргашевнинг ҳам ўз мақсадлари томон интилиб, ўқиб, изланишлари зое кетмади. Билим олишга астойдил аҳд қилган, эзгу ниятлари сари дадил қадам ташлаган йигитчанинг омади кулиб 2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлди. Университет бакалавриатурасини имтиёзли диплом билан тугатгач эса «Психология» мутахассислиги бўйича шу университет магистратурасига ўқишга қабул қилинди.

— Халқимизда ўқитувчилик касбининг улуғлиги, шарафли эканлиги ҳақида кўп гапирилади. Мен касбимни тўғри танлаганим ва унинг юксак аҳамиятини 160-лицей-мактабда психолог бўлиб ишлаб юрган йилларим чуқур ҳис қилганман, — дейди Пўлат Эргашев. — Ўқувчи билан юзма-юз мулоқот қилиш, унга сабоқ бериш катта бахт эканини ўшанда билган эдим. Шундан буён ўқитувчи сифатида менда муайян педагогик эътиқод шаклланди. Мақсадим келгусида психология фанини оммалаштириш. Бугунги кунда «Этник стереотиплар динамикасининг информацион детерминациясига хос хусусиятлар (ўзбек этноси мисолида)» мавзуида магистрлик диссертацияси устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдаман. Илмий-тадқиқот ва изланишларим бўйича устозларим, айниқса илмий раҳбарим Н.Сафаевнинг ёрдамлари катта бўлмоқда. Президентимизнинг талаба — магистрантлар учун таъсис этилган Давлат стипендиясига сазовор бўлганимдан жуда бахтиёрман. Ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун Юртбошимиздан жуда миннатдормиз. Бу юксак ишончни оқлаш учун келажакда илмий ишимни муваффақиятли ёқлаб, ўз билим ва салоҳиятимни янада ошириб, мустақил Ўзбекистонимизнинг янада равнақ топишида муносиб ҳиссамни қўшишга астойдил аҳд қилганман. Шу билан бирга ниятим, илмий ишим юзасидан мустақиллик шароитида миллий тарихимизга оид маълумотларнинг ўз халқимиз ҳақидаги қарашларимизга таъсирини ўрганиш, омма онгига Миллий истиқлол ғоясини, эзгу бунёдкорлик ғоялари, миллий ғурур туйғуларини сингдиришнинг самарали йўлларини қидириб топиш.

Шуни айтиш жоизки, илмий тадқиқотлари йўлида тинимсиз ўқиб изланаётган, олий мақсадлари сари интилган Пўлатнинг республика илмий нашрларида 1 та мақоласи, 3 та услубий қўлланмаси, олий ўқув юрти тўпламида 4 та илмий мақоласи ва 1 та маъруза тезиси, шунингдек газеталарда 4 та мақоласи чоп этилган.

Камолот пиллапоялари сари дадил одим ташлаб, олий мақсадлари томон илгарилаб бораётган иқтидорли талаба Пўлат Эргашевга биз ҳам келгусида порлоқ истиқбол ва омад ёр бўлишига умид қиламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

---

**Пойтахтимизда 1991 йилгача қурилган турар жойларни капитал таъмирлашни молиялаштириш тартибига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

## УЙ-ЖОЙЛАР ШИРКАТИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, АҚШ халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) Марказий Осиёда ўз-ўзини бошқариш тизимини ривожлантириш лойиҳаси - Урбан институти томонидан ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари кўп қаватли турар жойлардаги муҳандислик коммуникациялари, умумий фойдаланиш жойлари, бинолар ва уларнинг инфратузилмасини бюджетдан ташқари молиялаштириладиган қисми манбааларини кенгайтириш, маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланишга оид масалаларни муҳокама этдилар.

## АКТЁР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

**Пойтахтимиздаги Киночилар уйида «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида яратилган «Армон» ҳужжатли видеофильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Фильм Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистон халқ артисти, машҳур бастакор, академик Юнус Ражабий оиласида таваллуд топган актёрнинг болаликдаги қизиқишлари, театр санъатига кириб келиши, саҳна ва экран асарларида яратган ранг-баранг образлари тарихи томошабинда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссёри — Собир Назармуҳамедов, оператор — Абдулла Тўлаганов.

**ЎзА**

*Иқтисодиёт*

## АВСТРИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА

**Дастурхонимиз кўрки бўлган турли хилдаги ширинликлар бекаларимиз пазандалиги намойиши бўлса, дўконларни тўлдирган ажойиб таъм ва кўринишдаги қандолат маҳсулотлари шаҳримизда фаолият юритаётган корхона ходимларининг пазандалик санъатини белгилайди.**

Шаҳримиздаги «TOMOZEM» масъулияти чекланган жамияти ана шундай илғор корхоналардан биридир. Ушбу корхона 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, 2002 йилда Озиқ-овқат саноати ассоциациясининг аъзоси бўлди. Кенг ассортиментдаги вафли маҳсулотлари, вафлили тортлар, турли хилдаги шоколадлар ва шоколадли конфетлар бугунги кунда Австриянинг «HAAS» фирмасидан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда.

Албатта, маҳсулот сифати билан бирга унинг ташқи бежиримлигига эътибор харидор диди бугунги кунда ҳеч бир ишлаб чиқарувчининг назаридан четда қолмайди. Маҳсулотнинг ташқи кўриниши нечоғли чиройли бўлса, демак, бундай маҳсулот харидоргирлиги ошиб бораверади. «Tomozem» корхонаси айни кунда маҳсулотнинг қадоқланишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жамиятда ишлаб чиқарилаётган ширинликлар ҳозирда қутиларда, полипропилен қоғозларда, қоғоз пакетларда қадоқланиб сотувга чиқарилмоқда.

Замонавий линияларнинг техник қуввати билан бир сменада 800 килограммдан 1200 килограммгача маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

## АСАЛ — МИНГ ДАРДГА ДАВО

**Таомнинг лаззати аввало унинг тайёрланиш жараёнига боғлиқ. Шу ўринда масаллиқларнинг ҳам мазаси таомга хушҳўрлик бағишлаши бекаларимизга сир бўлмаса керак. Пойтахтимиздаги «Zebiniso-опа» хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган «Makas» номдаги макарон маҳсулотлари овқатга фақат хушҳўрлик бағишлаб қолмай, шунингдек тўйимлилиги билан ҳам кўпчилик оила бекаларига таниш.**

Айни пайтда ушбу корхонада 30 турдан ошиқ макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар 900 грамм, 750 грамм, 400 граммли қоғозларда қадоқланмоқда.

Ҳозирги пайтда ички бозоримизни ўзининг сифатли маҳсулотлари билан тўлдираётган «Zebiniso-опа» хусусий фирмаси ходимлари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида минг дардга даво табиий асални 200 грамм ва 450 граммли шиша банкаларда қадоқлаб сотувга чиқармоқда.

**Озода РАҲМАТОВА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

*Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда*

## ҲАР БИРИМИЗНИНГ ОРЗУ ИНТИЛИШЛАРИМИЗ МУЖАССАМ

**Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Серқуёш диёримизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч-тотувликда яшаб, илм олиб, меҳнат қилиб, мустақил юрт ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.**

**Бош Қомусимизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, деб ёзиб қўйилган. Биз айни яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги арафасида қардошларимизнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.**

**Турсумат ХОЛБОЕВ, меҳнат фахрийси, «Дўстлик» ордени нишондори:**

— Гарчи мен қозоқ миллатига мансуб бўлсам ҳам ўзимни ўзбек халқининг ҳам фарзанди деб биламан. Шу ерда ўсиб, улғайиб, камол топдим. Оилали, бола-чақали бўлиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдим.

Айтиш жоизки, ҳар бир миллатнинг тили, урф- одатлари ўзлари учун жуда азиз. Одам ўз тилида яйраб гапиради, яхши фикрлайди. Ота-бобосидан мерос урф-одатлари эса, уларнинг муқаддас бойлиги, фахри, ор-номусидир. Халқимизнинг бағрикенглиги, дўстлик, биродарлик каби қадриятларга буюк эҳтиром билан қараши туфайли турли миллатлар ёнма-ён, жондош-қондош, қўни-қўшни бўлиб яшаб келмоқдалар.

Демакки, қаерда инсон шахси улуғланса ўша ерда тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради, ҳеч қачон завол топмайди.

**Станислав МАНСУРОВ-КОВРИЧЕНКО, «Дўстлик» ордени нишондори:**

— Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши кекса, ногирон, ёрдамга муҳтож инсонларга диққат-эътибор ҳамда ижтимоий ҳимояни, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, болаларимиз ва ёшларимизни, ота-оналар ҳамда қарияларни иззат-ҳурмат қилиш, қадрлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш ва таълим беришни ташкиллаштириш демакдир. Шу кунгача бу йўлда амалга оширилган жуда кўплаб хайрли юмушларни санаб ўтиш мумкин.

Бошқа халқлар қатори уйғур халқи ҳам Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида белгилаб қўйилган тенг ҳуқуқлилик асосида ўзбек халқи билан елкама-елка туриб юрт ривожи учун хизмат қилмоқдалар. Мустақиллик йилларида уйғур халқи орасидан жуда кўплаб фан арбоблари, маданият ходимлари, шифокорлар, тадбиркорлар етишиб чиқди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган экан ўз навбатида шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ҳалол меҳнати, орзу-интилиши билан унга муносиб бўлиши керак.

**Ивангелия ГЛЕБОВА, меҳнат фахрийси:**

— Тақдир тақозоси билан иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Ўзбекистонга келиб қолганман. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жаҳон андозалари даражасидаги ҳуқуқий ҳужжат деб бемалол айта оламиз.

Чунки айни Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган тенг ҳуқуқлилик кафолати туфайли ҳар бир миллатнинг урф-одати, тили, динининг янада ривожланиши, бойиши йўлида барча шароитлар яратилган. Бугунги кунда республикамизда 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолият юритмоқда. Мактабларда турли миллат халқларининг тили махсус ўқитилмоқда. Марказлар қошида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, рақс ва хор тўгараклари мавжуд. Демак, Асосий Қонунимиз амалда яхши ишламоқда.

**Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди**



Кузнинг сеҳри ўзгача

*Таълим*

## БИЛИМГА ПУХТА ЗАМИН

**Тошкент архитектура ва қурилиш институтида «Магистратура ва иқтидорли талабалар билан ишлаш» бўлими очилди. Иқтидорли талаба-ёшларни аниқлаш ва уларга ҳар томонлама ижодий муҳит яратиб беришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ушбу бўлим томонидан махсус дастур ишлаб чиқилди.**

Ушбу дастур доирасида қўшимча ўқув режасини амалга ошириш тадбирлари кўрилмоқда. «Янги ахборот технологиялари», «Хорижий тил», «Чет эл қурилиш технологияси» каби фанлардан машғулотлар олиб борилади.

Бундан ташқари бўлим машғулотлари учун олий ўқув юрти таълим мутахассислик кафедралари дастурлари ҳам яратилди.

Бу каби қўшимча машғулотлар магистрлик диссертацияларини ёзиш учун ҳам пухта замин яратмоқда.

**Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш мақсадида «Истеъдод» жамғармаси ҳузурида Масофали ўқитиш маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу эса олий таълим муассасалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг масофали таълим воситасида малакаларини ошириш имконини бермоқда.**

*Ҳамкорлик*

## ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРЛАР

Ана шу таълимий жараёнда республикамизнинг истеъдодли ёш илмий кадрлари Кембриж, Гарвард, Москва Давлат университети ва бошқа олий ўқув юртларининг магистрлик диплом ва сертификатларига эга бўлишди.

АҚШ Гарвард университетининг масофали ўқитишга мўлжалланган «Гава дастурлаш тили» курсида ҳозир ўнга яқин вакилимиз таҳсил олмоқда. Яна бир гуруҳ ёш педагог Франциядаги Париж-Сюд университети негизида магистр ва бакалавр дастурлари бўйича билим олади.

**Анвар ВАЛИЕВ**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА КУТУБХОНАЛАР

**Тошкент давлат авиация институтида фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасида Интернет ва кутубхона ахборот ресурсларидан фойдаланишга бағишланган халқаро анжуман очилди. У Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Кутубхоначилар миллий ассоциацияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Россия, Швеция, Янги Зеландия, Германия каби давлатлардан вакиллар иштирок этмоқда.**

Анжуманда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров бугунги кунда жамиятимизда тезкор ахборотларга эҳтиёжни қондириш мақсадида кутубхона фондларини мамлакатимиз ва чет эл адабиётлари билан бойитиш, мавжуд матбаа нашрлари, қўлёзмалар ва ҳужжатларни сақлашнинг замонавий усулларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди. Кутубхонашунослик, библиографияшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот, методик ишлар билан бир қаторда янги ахборот технологияларини кутубхоначилик жараёнларига жорий этишга фаол киришилди.

Айни пайтда фан, таълим, маданият, бизнес соҳасида Интернет ва электрон ахборот ресурсларини қўллашда амалий ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида кутубхоналар, олий ўқув юртлари фаолиятини жонлантириш давр талабига айланди.

— Кутубхоналар фаолиятига замонавий илм-фан янгиликларидан иборат ахборот ресурсларини жалб этиш долзарб аҳамиятга эга, — деди германиялик мутахассис Оливер Обст. — Ушбу халқаро анжуман доирасида кутубхоналарда тиббиётга оид энг сўнгги маълумот базаларини яратиш борасида Германия тажрибаси билан ўртоқлашиш, шу мавзуда амалий семинар ташкил этиш ниятимиз бор.

Миллий электрон ахборот ресурслари, электрон кутубхоналар яратишда барча маърифий, таълим-тарбия муассасалари ишини фаоллаштириш, ёшларнинг компьютер саводхонлигини янада ошириш, кутубхоналарда Интернетдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби масалалар уч кун давом этадиган халқаро анжуман иштирокчиларининг диққат марказида бўлади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА**



**Хонадонларимизнинг кўрки бўлмиш кексаларимиз доимо ҳурмат-эътиборда, эъзозда. Зеро, қариси бор уйнинг париси бор, деб бежиз айтилмаган. Сиз суратда кўриб турган отахонлар юртимизда кечаётган ижобий ўзгаришлар хусусида мириқиб суҳбат қуришмоқда.**

# ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

## (Таҳририятга келган хатлар асосида тайёрланди)

**«Мана бир неча кундирки, ўз кўзим билан кўрган ва эшитган бир воқеа менга асло тинчлик бермайди. Юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда ўша кўрган-кечирганларим.**

Яқинда бир дугонамизникига дарс тайёрлагани йиғилган эдик. Қўшни ҳовлидан аёл кишининг йиғиси, сўнг унинг: «Менга ҳам осон тутманг. Ёшманку ахир. Бу аҳволда ўғлингиз билан қандай турмуш кечираман», деган сўзлари баралла эшитилди.

— Жон қизим, айланай сиздан. Ўз дардим ўзимга етади, мени ўртаманг, — деб зорланарди она бечора.

Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб дугонамизга қарадик. У титраб-қақшаб қўлидаги китобни ерга тушириб юборди, «Яна бошланди», деди.

...Ҳамдам билан Зулфия бундан тўрт йил муқаддам турмуш қуришибди. Тотув яшашибди. Эр геолог, хотин шифокор бўлган бу оилада орадан бир йил ўтгач фарзанд туғилади. Ўтган йили куз фаслида фалокат содир бўлади. Ҳамдам хизмат юзасидан қидирув ишларини олиб бораётганда тоғдан қулаб тушади. Шифокорларнинг муолажалари туфайли омон қолади. Лекин унинг тошдан тошга урилиб суяклари синиб, мажақланиб кетган оёқларини сақлаб қолишнинг иложи бўлмайди. Шу туфайли у икки оёғидан айрилиб, тақдирга тан беради. Аммо тақдирнинг бу ўйинига Зулфия чидолмайди. Ундан ором йўқолади. Буни қарангки, оқ-қорани таниган олий маълумотли шифокор аёл ногирон эр билан яшашга ор қилади. Шу туфайли бу хонадонда ҳар куни жанжал экан.

Ҳаётда шундай аёллар борлигидан афсусланаман. Улар оилапарвар, софдил, муҳаббатга содиқ, меҳрибон ва мунис аёлларимиз шаънига доғ туширадилар».

Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 3-курс талабаси Марҳабо Маҳмудхўжаевадан келган ушбу мактубни ўқий туриб хаёлга толдик. Беихтиёр ёшлик чоғимизда кўрган-кечирган бир воқеани эсладик. Урушнинг оғир йилларида фронтдаги ён қўшнимиз Одилжон акадан хотини Садоқат опага шундай мазмунда хат келди.

«Азизим Садоқат! Ушбу хатни госпиталдан ёзяпман. Сенга айтишга мажбурман. Оғир жангда қаттиқ яраландим. Икки кўзим кўрмай қолди. Шифокорлар умидсизлик билдиришяпти. Бошимга тушган бу бахтсизликка сени шерик қилишни истамайман. Нақадар оғир бўлмасин энди сен билан бирга бўлолмайман. Шундай экан, сен ҳам мендан умидингни уз. Сендек гўзал фаришта аёлга энди мен сўқир эр муносиб эмаслигимни кўнглим сезиб турибди. Хайр азизам. Энди мендан хат кутма».

Бу мактубга жавобан аёл шундай сатрларни битади.

«Жондан азиз вафодорим Одилжон ака! Мактубингиз аламзада кўнглимни баттар вайрон қилди. Наҳотки мени шунчалик тубанликка боради деб ўйладингиз. Мен сизни севиб турмуш қурганман. Орзу-умидим ёлғиз сиз. Нима бўлса ҳам ёнимда бўлсангиз шунинг ўзи кифоя менга. Қани энди иложи бўлсаю мана шу кўзларимни сизга берсам. Сизни бундай оғир аҳвол ва тушкун кайфиятдан қутқарсам. Сиздан илтимос, ҳеч қачон ноумид бўлманг. Сизни интизорлик билан кутиб қолувчи, бир умрлик вафодор ёрингиз Садоқат».

— Бу хат менга қайта жон бағишлади, — деб эслаганди ўшанда Одилжон ака. — Уни ўқигач, гўё сўқир кўзларимда қайта нур жилолангандек бўлди. Чиндан ҳам кун сайин аҳволим яхшиланиб борди. Шифокорлар узоқ муолажа ва маслаҳатлардан сўнг кўзимни операция қилишга қарор қилишди. Ўшанда ҳам дунёни қайта кўришимга тўла ишонч билдиришмади. Жарроҳлик хонасига киришдан олдин Оллоҳга астойдил нола қилдим. «Эй Худо, ўзинг шифо бер, кўзларимга нур бағишла, ишқилиб оилам олдига очиқ кўз билан қайтай». Илтижоларим ижобат бўлди шекилли жарроҳлик муолажалари муваффақиятли ўтди. Кўп ўтмай кўзим очилди. Она заминни, қуёшни, осмонни, юлдузларни яна қайта кўрдим. Ўшандаги қувончларимни қандай баён қилишимни билмайман. Хуллас соғ-саломат уйга қайтдим. Садоқат қучоқ очиб кутиб олди. Турмушимиз ширин кечди. Бу орада тўрт фарзандлик бўлдим.

Мана эрга бўлган чинакам меҳроқибат. Садоқат опа бир оғиз ширин сўзи билан турмуш йўлдошини ҳаётга, оиласига қайтарди. Зулфия эса... Наҳотки у севган кишиси бошига оғир ташвиш тушганда унинг чил-парчин бўлган кўнглини кўтариш ўрнига, ундан қутулиш чорасини изласа. Ахир бу яратганга, хуш келармикан?

«Қилмиш-қидирмиш» дейди халқимиз. Бу гапнинг тагида олам маъно бор. Зулфия ҳам шу сўзларнинг мағзини яна бир бор чақиб кўрса ёмон бўлмасди. Чунки инсон қалби нозик. У синдими тамом. Уни асли ҳолига келтириб бўлмайди. Ҳали ҳам кеч эмас, кўзингни оч, Зулфия. Ҳеч бўлмаса мурғаккина фарзандинг тақдирини ўйла. Ахир сен онасан. Садоқат опанинг ҳаёт йўли сенга ибрат бўлсин...

Ўз фарзандини севмаган, уни ардоқламаган ота-она дунёда бўлмаса керак. Лекин кўпинча дилбандларимизга яхшилик қиламиз деб уларни ёмон йўлга бошлаб қўйганимизни билмай қоламиз. Бу ҳақда газетхон Ҳабибулла Рўзматовдан келган хат эътиборга молик.

«Ниҳоят, турмуш қурганимизга роса беш йил бўлди деганда фарзанд кўрдик. Исмини Алишер деб атадик. Хотиним ҳам, мен ҳам уни еру кўкка ишонмадик. Авайлаб катта қилдик. Дилбандимиз нима деса муҳайё эди. Йиллар ўтиб мактабга борди. Дастлаб ёмон ўқимади. Тўртинчи синфни битирган куни ўғлимизга соат совға қилдик. Кейинги йилларда эса велосипед, мотоцикл, ўнинчи синфга ўтганида машина олиб бердик. Ҳаммаси шундан бошланди. Ичадиган, уйга кеч қайтадиган одат чиқарди. Суриштирсак қовоқ уйиб турли баҳоналарни кўрсатди. Хуллас иш шунга бориб етдики, у бизга қўпол гапирадиган, жеркадиган бўлиб қолди. Ўғлимиз қийналмасин, сиқилмасин деб уни талтайтириб юборганимизни ана шунда тушундик».

Фарзанд азиз — одоби ундан азиз, дейди халқимиз. Ҳамиша, ҳамма вақт бола тарбияси маънавий-ижтимоий иш эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ана шундагина ота-она фарзанд олдидаги ўзининг ҳақиқий бурчини ўтаган бўлади. Афсуски, баъзи ота-оналар бу бурчни бошқача тушунишади. Улар бурчни фарзандларини башанг кийинтириб, яхши едириб-ичиришдангина иборат деб ўйлашади. «Ўзимиз қийинчилик билан ўсдик, болаларимиз қийналмасин», деб қилмишларини маъқуллашади. Хўш, қийналмай, меҳнат қилмай, шоҳона кийинишга, пешона тери билан пул топмай мўмай пул харажат қилишга ўрганган фарзанддан нимани кутиш мумкин? Яхши, одобли ўғил-қизни кўрганда кексалар: «Отасига балли, умридан барака топсин», деб дуо қилишади. Тарбиясиз, ахлоқсиз болаларни кўрганда аксинча сўз айтишади. Демак ота-она фарзанд тақдирига ҳамма вақт жавобгар экан, унинг келажаги ҳақида ҳамиша бош қотириши керак. Шундагина фарзанд ота-онага раҳмат келтиради.

**Мақсуд ОРИПОВ**

*Хатжилдларини қайчилаганда*

# ОШХОНАЛАРДАГИ ТОЗАЛИККА КИМ ЖАВОБГАР?

**Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари. Сизларга хат йўллашимдан мақсад мени доим ўйлантириб келаётган бир хунук ҳолат тўғрисида кўпчиликнинг фикрини билиш. Қуйида билдирилган танқидий фикрларимга айримлар эътироз билдиришлари аниқ, аммо очиқ ҳақиқатни кўпнинг ҳукмига ҳавола этиш, бу кўпнинг фойдасини кўзлаш билан баробар.**

Маълумки, инсонлар яшаши учун еийишади. Кишининг истеъмол қилган таоми қанчалик хушхўр ва тўйимли бўлса, бу уларга ниҳоятда фойдали бўлиб, кишига куч бағишлаш билан бирга уларнинг кайфиятига яхши таъсир қилади, ташқи кўринишида ҳам ижобий ўзгаришлар вужудга келади, соғлом ва тетиклашади. Бу ўринда албатта, қўли ширин ошпазларнинг ҳиссалари беқиёс. Ўз касбини севувчи моҳир ошпазларнинг турли-туман овқатлари мазаси албатта емакхона озодалигига ҳам боғлиқлигини кўпчилик яхши англаса керак. Айни пайтда озодаликни кўриб кўзингиз қувнайдиган хизмат маданияти юқори даражадаги ошхоналар шаҳримизда кўплаб топилади.

Кўпчилик доимий овқатланадиган ошхоналарда овқатланиш эса арзон ҳамда хизмат ҳақи унчалик юқори эмас. Хўш, унда бунчалик куйиб-пишишнинг нима кераги бор деяётгандирсиз. Истисно тариқасида шуни айтиш кераккки, шаҳримиздаги айрим ошхоналардаги тозаликка, хўрандаларга хизмат кўрсатиш маданиятига озгина эътибор берилса айни муддао бўларди.

Ҳар куни тушлик пайти ҳамкасбларим билан ўзим ишлайдиган ташкилот ошхонасига тушаман. Бу гал ҳаво салқинлиги учун ичкарида овқатланишни маъқул топдик. Ичкарига кирдиму оёқ босилавериб яғири чиқиб кетган полга тўшалган палоснинг аҳволидан иштаҳам бўғилди. Ҳамкасбларим билан бўш стол-стулларга жойлашдик. Столга тўшалган қалин қоғоз ёғли латта билан артилаверганидан ранги ҳам ўзгариб кетган. Ёнимизга қўлларини апил-тапил фартугига артганича официант қиз югуриб келди. Овқатга ҳам буюртма бериб анча кутиб қолдик. Шу пайт идиш ювувчи аёл биздан бир неча қадам нарида, идишлар тўнкарилган столга бирталай чала артилган тарелкаларни шошганича тақирлатиб қўйиб, бўшаган столлардан идишларни ёғли-ёғсизлигига ҳам қарамай устма-уст тахлаб олиб чиқиб кетди.

Нон, чой олиб келишга кетган қизни кутиб ўтирмай пиёла келтириш учун ювилган идишлар тахланган столга яқинлашдим. Четлари учган, яхши ювилмаганидан ичи сарғайиб кетган ғадир-будир пиёлаларнинг қай бирини танласам бир нуқсони бор. Эҳтимол, фақат «брак» пиёлалар сотиб олишган эканда — деган фикр хаёлимга келди. Бир йўла санчқилар ҳам ола қолай дея, қошиқ-санчқилар солинган идишга қўл югуртирдим. Бу ерда ҳам шу аҳвол. Қайрилиб-қийшайтиб ётган санчқилар орасдан яхшироғини танлаш ҳам жуда қийин бўлди. Ва ниҳоят овқат кўтарган официант қиз ҳам етиб келди. Билмадим, ҳамасбларим азбаройи очиқиб кетганлариданми ёки бошқа сабабми бу ердаги камчиликларга умуман эътибор беришмай овқатни паққос туширишди, аммо бу алфозда тушлик қилиш таъбимга ўтирмаганидан иштаҳам бўғилди. Ҳисоб-китоб қилишга келганида бошқа бир официант чаққонгина бўлиб етиб келдию, бизга қилган «хизмат» пулини ҳам икки баравар ундириб, тезда ғойиб бўлди.

Хўш, бу ҳолга сиз нима дейсиз азиз газетхон. Балки сизларда ҳам шундай ҳолат кузатилган бўлса ажаб эмас. Хўрандага хизмат учун қайси вақтда пул олиш лозим? Ошхоналардаги идиш-товоқлар қандай ҳолатда мижозларга тарқатилади? Хизмат маданияти нима эканлигини хўрандаларга хизмат кўрсатувчи яхши биладими ўзи? Ошхоналардаги тозаликка ким жавобгар? Албатта бу саволлар бежизга эмас. Ахир овқатланиш маданиятига ҳамма халқда бирдек эътибор берилади.

**Комил САНАЕВ**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



**Аллоҳга шукрки, Истиқлол шарофати туфайли жамиятимизнинг ривожи йўлида ҳар бир соҳада янгиланишлар, ислоҳотлар юз бермоқда. Айниқса, мамлакатимиз фуқаролари онгида ҳар бир ишга янгича муносабатда бўлиш, лоқайдлик ҳолатларининг барҳам топаётганлиги ҳам демократиянинг ўзига хос кўринишларидан бири сифатида кўзга яққол ташланаётганлиги кишини қувонтиради. Дарвоқе, авваллари бирор бир воқеага, ижтимоий-сиёсий жараёнга муносабат билдиришда фуқароларимизда сусткашлик, лоқайдлик ҳоллари сезилган бўлса, ҳозирда бунинг аксини кўрамиз. Буни сиз азизлардан таҳририятимизга келаётган мактублар, телефон қўнғироқлари исботлаб турибди. Бу сафарги «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифамиз ҳам ҳар галгидек мактублар, телефон мулоқотлари асосида тайёрланди. Ушбу материалларда ҳам сиз азизларнинг дил истакларингиз, қизиқишларингиз, таклифларингиз, мулоҳазаларингиз муносабатларингиз ўз аксини топган. Демоқчимизки, ушбу мулоқот таҳририятнинг газетхонлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Такрор бўлса ҳам таъкидлаймизки, бизга доимо мактуб йўлланг, сим қоқинг, таҳририятга ташриф буюринг. Эслатиб ўтамиз, 133-08-74 телефони хизматингизга тайёр. Манзилимиз Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти.**

*Газетхон таклиф қилади*

# КЎЧАЛАР ФАЙЗИ ОҚАР СУВ БИЛАН

**Сир эмаски, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Тошкент шаҳридаги ариқлардан зилол сув оқар ва уни бемалол ичиш мумкин эди. Ота-боболаримиз «сув етти марта думаласа ҳалол бўлади» деб айтишарди.**

У пайтларда бу жуда тўғри фикр эди. Боиси шуки, ҳеч ким сувга ифлос нарса ташламасди. Гуноҳдан ҳамма қўрқарди. Ҳозир эса сув етти марта тугул, етмиш марта думаласа ҳам ҳалол бўлмайди.

Бунинг сабаби аён. Улуғ ва азиз неъматни ўзимиз ифлослаяпмиз. Бинобарин, ҳозир ҳам кўра-била туриб, тоза оқар сувни булғатаётганлар орамизда йўқ деб ким кафолат бера олади?

Шарқираб оқиб турган ариқ сувлари манзарасини бир кўз ўнгимизга келтирайлик! Унинг зилол сувларию, ҳузурбахш тароватi кишига завқ-шавқ бахш этиши-чи!

Хўш, шундай экан, нега оқар сувларнинг қадрига етмай қўйдик. Нима учун шаҳар кўчаларидаги ариқлар қум-тош бўлиб қолди? Турар-жойларни, гўшаларни, маҳаллаларни ободонлаштириш тўғрисида кўп гапирилаяптику, аммо ариқлар масаласи муаммолигича қолмоқда. Бугунги иссиқ кунларда, жумладан ариқ сувларига эҳтиёж ортгандан ортмоқда.

Тўғри, пойтахтимизнинг марказий шоҳ кўчаларининг икки тарафида бетонли ариқлар кўзга ташланади. Афсуски, уларнинг аксарияти бўм-бўш. Улардан сув оқизиб қўйишнинг иложи йўқми? Мумкин. Ҳамма гап амалий ишда қолган.

Шаҳримизни ҳатто Навоий кўчаси бўйлаб сайр қилган киши бундай ачинарли «манзара»га дуч келиши аниқ. Ёки бўлмаса Амир Темур шоҳкўчасини олиб кўрайлик. Бу ерда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва борилмоқда. Айниқса, Кичик Ҳалқа йўли бўйлаб янги ҳашаматли кўприк бунёд этилгандан сўнг бу ҳududнинг кўриниши бутунлай ўзгача манзара касб этди. Аммо махсус ўтказилган йўл четидаги ариқларни оқар сув билан таъминлаш масаласи муаммолигича қолмоқда.

Ариқлар масаласини ҳашар йўли билан ҳам ҳал этиш мумкин-ку, ахир. Ота-боболаримизнинг бу азалий анъанасига таяниб иш кўриш фойдадан холи бўлмасди.

Сув масаласига келсак, анҳор ва канал сувларини чархпалак ёрдами билан юқорига кўтариб бериш маҳаллалар аҳолиси қўлидан бемалол келади.

Гапнинг қисқаси шуки, кенг ва равон кўчаларимиз кўркига файз киритишда, уларнинг обод бўлишида шарқираб оқиб турган ариқларнинг ҳам ўзгача тароватi бор, десак хато қилмаган бўламиз.

**Акбар АЛИЕВ,**
**Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.**

*Газетхон миннатдорчилик билдиради*

# ҚАЛБИМИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

**Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Дархон» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририяти орқали Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимларига чуқур миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.**

Маҳалламиздаги Қорабулоқ (аввалги Вахш) кўчасида жойлашган 21-уй ва шу кўчадаги бир нечта хонадонлардан оқава сув бир неча йиллардан буён Салор каналига оқиб ётар эди. Узоқ вақт ҳар хил идораларга аризалар билан елиб-югуришларимиз зое кетарди ва ниҳоят яқинда оқава сувлар Бешоғайнилар кўчасидан ўтган шаҳар коллекторига уланди.

Қўмита ходимларининг саъй-ҳаракатлари маҳалламиз аҳлига кўрсатилган меҳр-мурувват сифатида қалбларимизни қувончу-шодликка тўлдирди.

**Қ.МИРНИҒМАТОВ,**
**«Дархон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси**

*Таажжуб*

# «МЕНДАН АЛМАШТИРИБ КЕТИНГ...»

**Ҳамид Олимжон метро бекатига энди тушмоқчи бўлиб, зинага қадам босган эдим ҳамки, олдимни қирқларга бориб қолган, аммо ёшига ярашмаган даражада пардоз-андоз қилган аёл тўсди.**

На салом-алик, на гап-сўзсиз:

— Олтинлар... золото, российски... доллар... — дейди.

Гап шундаки, кейинги вақтларда пойтахтимизнинг деярли барча жойларида валюта алмаштириш шохобчалари фаолият юритиб турган бўлса-да, бундай «учар»ларнинг сони кўпайиб бораётгани кишини ўйлантиради.

Тунов куни қўшниларимиздан бири гапириб қолди. Унинг таъкидлашича, вилоятдан келган қариндоши бир даста пулини долларга алмаштириш ниятида шохобчага бораётса, олдини ана шундай «учар» ўрайдида, «келинг, мендан алмаштириб кета қолинг», дейди. Вилоятлик содда биродар унинг гапларига чиппа-чин ишониб, қўлига пулларини беради... Не ҳолки, алмаштирилган АҚШ долларлари сохта бўлиб чиқади...

— Йўлини қилиб, қариндошимизнинг пулини бус-бутун ҳолича қўлига қайтардик, — дейди қўшним. — Лекин барибир қариндошчилик минг йилчилик, дейдилар: юзимиз шувут бўлиб қолди...

«Қора бозор»... Хорижий валюталар билан ноқонуний равишда олди-берди қиладиган «учар»лар айнан шундай жойда ин қурадилар. Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, кейинги пайтларда ҳар бир соҳанинг мавжуд имкониятлари давлатимиз томонидан яратилиб қўйилган бўлса-да, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари атрофида хира пашшадек айланадиган кимсалар киши таъбини бузади.

— Келинг, бизда дақиқасига 50 сўмдан тўлайсиз.

Ҳали йигирмага ҳам тўлиб улгурмаган йигитча қўлида уяли телефон аппарати билан сизни бирон ёққа юришга қўймайди... Нима бу? Наҳотки, бу тарзда «бизнес» қилиш тегишли ҳуқуқ тартибот ходимлари эътиборидан четда бўлса...

Сиз бунга нима дейсиз?

Айтинг-айтинг, айрим юртдошларимиз қонунга хилоф ишлардан тийилсин-да!

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

*Тўқилмаган ҳикоялар*

# ҚОВУН ЕМАЙДИГАН БЎЛДИ

**Тирикчилик юки тошдан қаттиқ, деганлари рост экан. Маҳалламизда яшовчи Мирсаид ака бизнес билан шуғулланмоқчи бўлди. Болалар катта бўляпти. Қизни узатиш, ўғилни уйлантиришнинг ўзи бўлмайди-ку. Бу ёқда хотини ҳар куни жаврайди. «Сарупога пул керак. Нима қилсангиз қилинг, пул топинг дадаси. Маошингиз рўзғорга ҳам етмаётибди».**

Боши қотган акамиз ёзда меҳнат таътилига чиқди. «Россияга қовун олиб бораман». Хаёлига келган фикрдан қувониб кетди. Ахир ўтган йили Москвага қовун-тарвуз, узум олиб борган дўсти Ҳамидулла кам бўлмади-ку.

Хуллас шу хаёллар оғушида таниш-билиш, қариндош-уруғлардан тўрт миллион сўм қарз кўтарди. Қизиғи, Мирсаид акамиз содда эмасми, Москвага ўзи яхши кўриб тановул қиладиган «Кўккаллабош» қовундан олиб борадиган бўлди. Қовуннинг ушбу тури кўм-кўк бўлиб етилади. Қуёшда ҳам ҳеч сарғаймайди. Нави шунақада ўзи. Лекин жуда ширин. Беш тонна «Кўккаллабош» қовунни битта «Камаз»га жойлади. «Худо хоҳласа тўрт миллион пулим ўн тўрт миллион бўлиб қайтади», дея ўйлади акамиз. Москвага ҳам етиб борди. Одам гавжум жойга ўрнашди. Ажабо. Қовунни ҳеч ким олмаяпти. Қарашмайдиям. Мирсаид ака ҳайрон. Эртасига 55-60 ёшлардаги рус кишидан сабабини сўради. У деди:

— Қанақасига бу қовун?! Бу катта бодринг-ку. Бунақа бодринг ҳеч кимга керак эмас.

Акамизнинг юраги «шув» этди. Товонигача музлади. Ичида ўзини, хотинини роса бўралаб сўкди.

Ранги ўчиб кетган эканми, рус киши «Сенга нима бўлди? Тобинг йўқми?» дея ҳол-аҳвол сўради. Шунда акамиз «Уйим куйди, биродар», дея бор гапни айтиб берди.

Тошкентга эсон-омон етиб келган акамиз иккинчи марта бизнес билан шуғулланмайдиган, қизиғи Сурхондарёдан келадиган «Кўккаллабош» қовунидан емайдиган бўлди.

**Эркин ЖЎРАЕВ**

# АФСУС ЧЕКДИМ, АММО...

Сурхондарёнинг Термиз шаҳрида истиқомат қиладиган қадрдонимиз Абдусамад ака асли касби ўқитувчи бўлса ҳам Тошкентга ҳар келганида бизникига қўниб ўтади. Ўзи шинаванда, қувноқ одам. Кунларнинг бирида акамиз қуйидаги воқеани ҳам хурсанд ҳолда, ҳам афсус билан ҳикоя қилиб берганди.

Баланд-паст йўллардан кетяпман. Машинам кучаниб юрар, қумликларнинг адоғи йўқдай туюларди. Борадиган манзилим олис. Машина худди тошбақа мисоли жилаётгандай. Офтоб сўнгги нурларини саксовул шохларидан йиғиб олди. Қоронғулик борлиққа тўр ташлади. Чўлда адашиб қолмаслик мақсадида қир этагидан овул томон юрдим.

Юзлари очиқ, чўққи соқол қария тавозе билан қаршилади. Чўлнинг гармселли туни кўзга уйқу келтирмади. Тонг отар-отмас манзилга шошилдим. Шу пайт уй эгаси хайр-хўш қилмай туриб

— Нечта боланг бор? — деб сўради.

— Бешта, — жавоб қайтардим.

— Бешта қоракўл тери чиқариб бер,—деди мезбон ўғлига, — болаларига телпак тиктириб беради.

Сахий мезбонга учраганимдан хурсанд бўлдим. Аммо ўшанда, ўнта болам бор, десам нима қиларди, дея афсус чекканман. Чунки қоракўл теридан кўпроқ текканида чакки бўлмасди-да, дея ўйлаб машинамга роса газ берганман.

**Мурод ИЛҲОМОВ**

# СОДДАГИНА НОСИР ОТА

Ҳар ойда бир маротаба чойхонада улфатлар йиғилиб ош қилардик. Навбатдаги ўтиришга Асқар ҳомуш бўлиб келди.

— Ҳа, оғайни, кеч қолдинг тинчликми? — саволга тутамиз Асқарни.

— Нимасини айтасан. Чунонам уруш бўлди, чунонам жанжал бўлди уйда. Хотиннинг тили заҳар. Чақса илонни ўлдиради, — ҳасрат қила кетди у.

Дарҳақиқат, Асқарнинг айтганича бор. Хотини Машкуранинг тили ҳам чаққон, иши ҳам чаққон. Пазандалигини айтмайсизми. Шуниси борки, гап келганда отасини ҳам аямайди. Шу боисми, улфатлар орасида, «Машкуранинг тупуги минг дардга даво. Заҳри илонникидан ҳам кучли» деган ҳазил ибора юради.

Хуллас, Асқарни юпатдик. Ҳазил-ҳузул билан ошни ҳам едик. Ҳамма уйга тарқалди. Ҳамма ҳангома бир кун кейин бўлди.

Тунги иккиларда Асқарнинг дарвозаси қаттиқ тақиллабди. Чиқса, Носир ота турганмиш. «Келинг тинчликми?», ҳол-аҳвол сўраб уйга таклиф қилади Асқар.

— Сендан илтимос, Асқар, — дея сўз бошлайди отахон, чойхонада эшитдим. Келиннинг тупугининг заҳри илонникидан кучли экан. Набирамнинг яраси битмаяпти. Шифокорлар айтишича, илоннинг заҳридан кучли заҳар таъсир қиларкан. Шунинг учун келиннинг тупугидан сўраб келдим.

Носир отанинг соддалигидан Асқар ҳам ҳангуманг бўлди. Воқеани унга тушунтиргунича анча вақт кетди. Аммо, ҳар гал чойхонага чиққанимизда Асқарга, « Келиннинг тупугидан бериб тур. Минг дардга даво экан» дея ҳазил қилишади.

**Баҳодир ЮНУСОВ**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## ТОМАС КУНЦЕ:

# “МЕН МАМЛАКАТНИНГ ЮКСАЛАЁТГАНИНИ КУЗАТДИМ”

**Германиянинг Конрад Аденауэр номли жамғармаси ўн йилдан буён Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келмоқда. Сўнгги икки ярим йил мобайнида унинг минтақадаги фаолиятини Томас Кунце бошқарди. Доктор Томас Кунценинг Тошкентдаги хизмат фаолияти ниҳоясига етиши муносабати билан “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири унга бир неча савол билан мурожаат қилди.**

**- Жаноб Томас Кунце, сизни янги вазифага тайинланганингиз муносабати билан кутлаш ва шу билан бирга Ўзбекистондан жўнаб кетаётганингизни афсус билан таъкидлашга ижозат бергайсиз...**

- Раҳмат. Мен ушбу имкониятдан фойдаланиб, Аденауэр жамғармасининг республикада муваффақиятли ва самарали иш олиб бориши учун яратиб берилган қулай шарт-шароит учун Ўзбекистон ҳукуматига яна бир бор ўз миннатдорлигимни изҳор қилмоқчиман. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистондаги фаолиятимизнинг илк юбилейи тантанасида иштирок этиш учун Тошкентга ташриф буюрган жамғарма вице-президенти, собиқ федерал вазир Антон Пфайфер ҳам бунга катта урғу берган эди. Аденауэр жамғармаси келгусида ҳам ҳар қандай даражада мамлакатингизни қўллаб-қувватловчи ҳақиқий дўст бўлиб қолади. Менинг ўрнимга келадиган киши ҳам ушбу дўстликни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишига ишончим комил.

**- Тошкент билан хайрлашаётганингиздан афсусланмайсизми?**

- Ўзбекистон менинг иккинчи ватанимга айланди, десам ҳам бўлади. Бу ерда мен ўзимни худди ўз уйимдагидек ҳис этаман. Ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги ва очиқ кўнгиллилиги менга жуда ёқади. Ўзбек халқининг ростгўй, оғир - босиқ ва мулоҳаза билан иш юритиш фазилатлари бизнинг ишимизда жуда асқотмоқда.

Аденауэр жамғармасининг фаолияти турли ижтимоий соҳа қатламларига йўналтирилган бўлиб, хотин-қизлар ва ёшлар, ишбилармонлар ва журналистлар, сиёсий партиялар ва ўзини-ўзи бошқариш жамоат органлари билан иш олиб боришдан иборатдир. Сўнгги йиллар давомида суд-ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш борасида кўп иш қилинди. Ўзбекистоннинг мансабдор шахслари билан ҳамкорлик қилиш ўзаро ишонч ва яратувчанлик руҳида кечди. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, иш давомида юзага келган баъзи бир муаммоларга нисбатан ўз танқидий нуқтаи-назаримни ҳеч қачон яширмаганман. Биз жазони ижро этиш тизимини эркинлаштириш масаласи билан боғлиқ бир қатор тадбирлар ўтказдик. Кўзга ташланган муаммолар тўғрисида ички ишлар вазири ва унинг қўл остидаги ходимларга ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этдик.

Улар бажонудил биз билан мулоқотга киришдилар. Гарчи фикримиз ҳар доим ҳам бир жойдан чиқмаган бўлса-да, мавжуд муаммоларни биргаликда батафсил муҳокама қилдик.

Доимий ўзаро мулоқотда бўлиш, бир-бирининг фикрига қулоқ тутиш жуда муҳим. Икки йилдан ортиқ вақт мобайнида мен мамлакатингизни кузатдим – у олдинга интилмоқда. Ўзбекистонда цензура бекор қилинган. Бу масалага биз ҳукумат тузилмалари эътиборини кўп маротаба қаратганмиз. Айрим халқаро ташкилотлар олдинда турган парламент сайловларини танқид остига олмоқдалар. Бизнинг жамғармамиз ҳам республикада олиб борилаётган демократик жараёнлар келгусида ривожлантирилиши керак, деб ҳисоблайди. Лекин шу ўринда ижобий жиҳатларни ҳам қайд этиш лозим. Ўзбекистоннинг профессионал парламент яратишга интилишида ҳеч бир салбий нарсани кўрмаяпман. Қолаверса, бундай парламент ўз динамикаси бўйича ривожлана бошлайди. Мантиқан олиб қараладиган бўлса, унинг фаолияти муқаррар равишда турли блоклар ва фракциялар, шунингдек, мухолифатчиларнинг шаклланишига олиб келади.

Умуман олганда мамлакатга демократияни бирданига олиб кириб бўлмайди. Бу жараён босқичма босқич амалга оширилиши керак.

**- Сиз Аденауэр жамғармасининг Россиядаги ваколатхонасига раҳбар этиб тайинландингиз...**

- Тошкентда олган тажриба Москвада менга жуда асқотади. Барча ўзига хос ва фарқли жиҳатларига қарамасдан собиқ совет мамлакатлари бир-бирига жуда ўхшаш, уларнинг муаммолари ҳам бир хил. Яна бир нарса, Москвада менга ва рафиқамга Ўзбекистон пойтахтида орттирган Абдулла, Сайёра, Сергей, Ражаб каби кўплаб дўстларимиз етишмайди...

# ХИТОЙ ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев бошчилигидаги мамлакатимиз ҳайъатининг Хитойга сафари ниҳоясига етди.**

Ташриф давомида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши вице-премьери У И, тижорат вазири Бо Силай, ШҲТ ижрочи котиби Чжан Дэгуан, Хитой Эксимбанки раиси Чжоу Вэнчжун, “CITIC Group” гуруҳи раиси Ван Чжун, ХХР фан ва техника вазирлиги раҳбарияти, “Petro China” корпорацияси раҳбарияти ҳамда бир қатор муассаса ва компанияларнинг раҳбарлари билан музокаралар бўлиб ўтди. Учрашувларда шу йил июнь ойида ХХР Раиси Ху Цзинтаонинг Ўзбекистонга қилган ташрифи ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитидан сўнг ҳар томонлама ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Ҳукуматлараро комиссия йиғилишида икки томонлама товар айланмаси миқдори жорий йилда 600 млн. АҚШ долларини ташкил қилиши мумкинлиги таъкидланди. Бу 2003 йилдаги кўрсаткичдан деярли икки ҳисса кўп демакдир. Мамлакатларимизнинг сармоявий ҳамкорлиги сезиларли даражада ривожланди. Хусусан, ҳозирги вақтда нефть ва газ секторида, телекоммуникация, ипак ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида Хитой компаниялари иштирокида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Йиғилиш якунида 6 та ҳужжат имзоланди. Комиссия йиғилиши доирасида ўтказилган Ўзбекистон ва Хитой ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича кичик комиссиянинг иккинчи сессиясида ҳам иккита ҳужжат тасдиқланди.

Ўзбекистон ҳайъатининг Хитойга сафари давомида Пекиннинг энг сервиқор биноларидан бири - “CITIC Group” офисида “Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти” мавзуида бизнес-форум ташкил қилинди.

# ТЕМПУС ДАСТУРИ АСОСИДА

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида Европа ҳамжамиятининг Темпус дастури асосида «Марказий Осиёда энергетика бўйича ахборот тизимларини ташкил қилиш» лойиҳаси ва шу лойиҳа асосида «Марказий Осиё ва Европада энергетиканинг ҳолати» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.**

Унда Германия, Греция, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистоннинг етакчи мутахассис ва олимларининг маъруза ва бошқа илмий чиқишлари тақдим этилди.

Булардан ташқари семинарда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, «Ўзбекэнерго ДАК», «Нефть — газ холдинг» корпорацияси, тармоқ вазирликлари ва саноат корхоналари вакиллари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва халқаро алоқалар муҳим аҳамиятга эгадир. Халқаро семинарнинг Тошкентда ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, пойтахтимиз, энергия ва энергия ресурсларига бойлиги, илмий ва амалиётчи кадрлар салоҳияти билан ўзини-ўзи мустақил таъминлай оладиган шаҳардир. Темпус дастури асосида Тошкент Давлат техника университетида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Семинарда Тошкент Давлат техника университети ректори, профессор К.Аллаев, Темпус лойиҳасининг Республикамиз бўйича мувофиқлаштирувчиси профессор О.Ҳошимов, Темпус лойиҳасининг Европа бўйича мувофиқлаштирувчиси, профессор П.Аксаопульс (Греция), профессор Е.Иншеков (Украина), профессор В.Мельников, магистр Е.Зигангирова (Қозоғистон), профессор А.Обидов, академиклар Р.Зоҳидов, Т.Носиров (Ўзбекистон), профессор Ю.Блинов, В. Саломатов (Россия) ва бошқа илмий чиқишларда Марказий Осиё ва Европа давлатларидаги бугунги энергетиканинг ҳолати, муаммо ва тажрибалар таҳлил қилинди. Ўзаро ҳамкорлик, энергетиканинг истиқболли турлари муҳокама этилди. Ҳозирдан бошлаб ва истиқболда энергия ва ресурс тежамловчи янги ускуналарга, ноанъанавий энергия турларини (хусусан: қуёш, шамол ва ҳоказо) ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Энергетика тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича тажриба алмашилди. Семинарда тақдим этилган маърузаларни илмий ҳолда чоп этишга қарор қилинди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,**
**Тошкент Давлат техника университети доценти**



## АҚШ:

# МУҲИМ СИНОВДАН МУҲИМ СИНОВЛАРГА

**АҚШ президенти Жорж Буш шу йил 2 ноябрь куни бўлиб ўтган президентлик сайловида рақиби Жон Керрини устун овоз билан енгиб, ўз олдидаги муҳим синовдан муваффақиятли ўтди. Олдинда эса президент учун янада муҳим синовлар турибди.**

Президент Жорж Буш сайловдан кейинги илк нутқида мамлакатнинг ички сиёсатидаги муҳим вазифаларга эътибор қаратиб, давлат бюджетидаги камомаднинг (413 миллиард доллар) тенг ярмини йўқотиш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими, хусусан, давлат қарамоғидаги мактабларни ривожлантириш, маънавий ва маданий қадриятларни ҳимоя қилишни устувор йўналишлар сифатида санаб ўтди.

Баъзи сиёсатшунослар юқорида санаб ўтилган вазифалар орасида бюджет камомади борасида ижобий силжишга эришиш Буш маъмурияти учун машаққатли кечишини башорат қилмоқда. Маълумки, бюджет камомади, асосан, мудофаа ва миллий хавфсизлик учун йўлланган сарф-харажатлар эвазига салмоқли даражада ортган. Айни вақтдаги шарт-шароит асносида хулоса қилиш мумкинки, мазкур йўналишлар учун сарф-харажатларнинг қисқариши эҳтимолдан йироқ.

Негаки, бугунги кунда АҚШ учун энг катта фронт - бу халқаро терроризмга қарши курашдир. Шу мақсадда АҚШ етакчилигидаги халқаро коалиция Ироқ ҳамда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Айни вақтда биргина АҚШ аскарларининг сони Ироқда 153 минг, Афғонистонда эса 15 минг нафарни ташкил этади. Ироқ ва Афғонистондаги воқеалар ривожи, аниқроқ айтганда, халқаро коалициянинг мазкур мамлакатларда ўз миссиясини муваффақиятли ниҳоясига етказиши АҚШ учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини ортиқча изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

АҚШнинг энергия заҳираларига бўлган улкан эҳтиёжи ҳам бюджет камомадини камайтириш ишига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Маълумотларга қараганда, айни вақтда АҚШ кунига тахминан 12 миллион баррель нефть импорт қилади.

Президент Буш олдидаги муҳим синовлар нафақат ички, балки ташқи сиёсатдаги турли масалаларни ҳам қамраб олади. Хусусан, Яқин Шарқда тинчлик жараёнини тиклаш, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши кураш, трансатлантик муносабатларни мустаҳкамлаш шулар жумласидандир.

Айтиш мумкинки, Ироқ, Афғонистон ва Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ижобий самарасини таъминлаш айни вақтда Президент Буш учун халқаро миқёсдаги энг муҳим вазифалардир. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ечими Буш маъмуриятининг ҳам мамлакат ичидаги, ҳам халқаро миқёсдаги обрўсига бевосита таъсир ўтказади.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Фосиқда уч аломат бор: бузуқликни севади, ўзгаларга зиён-заҳмат етказади, ҳақ йўлдан юрмайди.

Байт:

**Оғзига келганин демак нодоннинг иши,**
**Олдига келганни емак ҳайвоннинг иши.**

● Ҳаё-иффат — йўқолмас ҳусн.

● Абу Али ибн Сино айтади:

— Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат — ҳаё ила иффатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур.

● Суқрот ҳаким дейди:

— Хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидир.

● Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби — ҳаёдир.

● Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборакдиркким, анча-мунча шундай хатоларни беркитиб йўқ қилур.

Байт:

**Дурга садаф бўлмаса парда-ю либос,**
**Қатра сувга қўшилиб кетарди ҳалос.**

● Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошиқ маъшуқага яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

● Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзингга ортиқ оро берма, мақтанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама!

● Дўстларнинг энг яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида турар ва карам эшигини улар юзига очиб, қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.


Собир Раҳимов туманидаги «АРГО-ШИК» хусусий фирмаси «АРГО-ШИК» - «ЖАСУР» хусусий корхонасига қўшиб олинмоқда. «АГРО-ШИК-ЖАСУР» хусусий корхонаси «АГРО-ШИК» хусусий фирмасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

**Телефон: 29-13-28**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан якка тартибдаги тадбиркор Саидмирзаев Музаффар Шариповичга берилган №2582 рақамли даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР







**УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги кўрсатмасига мувофиқ ШУ ЙИЛ 30 НОЯБРЬ — 3 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳридаги Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 1-уй «Ўзбекистон» теннис клуби биносида «Файз», «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг», «Ўзкимёсаноат», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзагромашсервис» компаниялари, «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбек қоғози», «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамиятлари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, В.П.Чкалов номли «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, «Совплас-титал» қўшма корхонаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва бошқа корхоналар томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган енгил автомобиллар, мебель, маданий-маиший, хўжалик, электр хўжалик, қурилиш материаллари, қоғоз, заргарлик маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол товарларига республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ- САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.**

**Ушбу ярмаркага барча ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар таклиф этилади.**

*Ярмаркага марҳамат!*

«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси

**Мулоқот учун телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MBM

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

***Сизларни биржа савдоларига таклиф этади***

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

● Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 540 396 сўм.

● Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм.

● Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

● Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 124 кв. метрга тенг бўлган бино. Бошланғич нархи — 1 435 560 сўм.

● Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр ва Шаҳрисабз кўчалари кесишуви, 31-уй манзилида жойлашган умумий майдони 684,0 кв.метрга тенг бўлган икки қаватли (ертўласи билан) бино ва майдони 19 кв.метрга тенг бўлган иншоот. Бошланғич нархи - 55 705 414 сўм.

● Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қирқ қиз кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган умумий майдони 2895 кв.метрга тенг бўлган олти қаватли бино (ертўласи билан). Бошланғич нархи - 98 866 520 сўм.

● Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчачи, 59 «а» уй манзилида жойлашган умумий майдони 108 кв.метрга тенг бўлган икки каватли бино. Бошланғич нархи - 3 445 943 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.

● «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

*Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.*

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**www.tshmbm.uz; Эл.почта:Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

**«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси 2005 йил 1 чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади.**

— шакар
— сариёғ
— биринчи тоифали музлатилган мол гўшти

Тендер таклифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй, Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2004 йил 24 декабрь, соат 17.00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:

— ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан:

гуруч, майдаланган нўхот, перловка, гречка, тариқ, ловия, мош:

— ёғдаги балиқ консервалари;

— мол гўштидан тайёрланган консервалар;

*Спорт*

## ПОЙТАХТ ВАКИЛИ БИРИНЧИ

**Фарғона шаҳрида олти кун давомида стол тенниси бўйича Ўзбекистон чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда кейинги пайтларда тобора оммалашиб бораётган стол тенниси баҳсларида барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жамоалар иштирок этгани ҳам ушбу қизиқарли спорт тури билан ёшларимиз қанчалик севиб шуғулланишини яна бир карра исботлади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, кутилганидек, чемпионатда шаҳримиз кичик теннис усталари муваффақиятли қатнашишди. Жумладан, қизлар ўртасида ўтказилган баҳсларда Светлана Гета бу йилги ёзги олимпиада қатнашчиси Манзура Иноятова (пойтахт вилояти)-ни ортда қолдирган ҳолда ғалаба нашидасини сурди. Учинчи ўрин ҳам ҳамшаҳримиз Екатерина Левинага насиб этди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда эса омад Тошкент вилояти вакили Евгений Цойга кулиб боқди.

## САМБОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Тожикистонда самбо бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилди.**

Унда жами ўн етти мамлакат вакиллари иштирок этди ва 6 та ёш тоифаси бўйича ғалаба учун кураш олиб борди.

Фахрий самбочиларимиз еттита олтин, бешта кумуш ва ўн битта бронза медалларини қўлга киритган ҳолда жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринга сазовор бўлишди. Олтин медалларни ҳамюртларимиздан 55-60 ёшлар ўртасида Н.Юсупов, 60 ёшдан юқори самбочилар баҳсида Ф.Холиқов, 50-55 ёшлилар ўртасида Т.Гаппаров, энг ёш фахрийлар — 35-40 ёшли спортчилар беллашувида С.Ҳусаиновлар қўлга киритишди. Шунингдек, бошқа вазнларда О.Чўлиев, О.Маъмуров ва Ф.Азимов каби ҳамюртларимиз ғалаба қозонишди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(**Ўз мухбиримиз**)

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШИЛДИ

**Шаҳримиздаги Республика Полиомиелит касалхона-интернатидаги жисмоний жиҳатдан имкониятлари чекланган ногирон болалар ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида хайрия тадбирлари ташкил этилди.**

Ушбу мурувват тадбирлари Америка Халқаро таълим кенгаши (АКСЕЛС) томонидан бошқариладиган алмашув дастурлари — FLEX (Келажакдаги лидерлар алмашинуви), Undergraduate Exchange program (Талабалар алмашинуви дастури) ҳамда Muskie prigram (Магистратура дастури) битирувчилари бўлган йигит-қизлар томонидан амалга оширилди.

Меҳр ва мурувват йилида бу дастурлар битирувчилари ва ҳозирда пойтахтимизнинг турли нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ногирон болалар ва қарияларни хурсанд қилиб кайфиятларини кўтариш мақсадида ўзига хос дастурлар тайёрлашди. Йигит-қизларнинг хайрия ишларидан асосий мақсад — ёрдамга муҳтож, касалманд ва боқувчилари йўқ инсонларга меҳр ва мурувват ҳамда эътибор бериш лозимлигини ўзларига ҳамда барча ҳамюртларимизга яна бир карра эслатиб қўйишдир.

Бунга ўхшаш тадбирлар АКСЕЛС битирувчилари томонидан биринчи марта ўтказилмаяпти. Талабалар Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидаги қарияларнинг кундалик ҳаётига керак эҳтиёжлардан яхши хабардор. Шунинг учун маданий дастурдан ташқари қариялар учун керакли бўлган нарсалар — кийим-кечак, бошқа кундалик зарур нарсалар тухфа қилинди ва албатта улар учун ўзбек таоми — палов тайёрланди.

Шуни эътироф этиш керакки, қарияларга туҳфа қилинган совғалар ва тадбир харажатларининг ҳаммаси — бу тадбир иштирокчиларининг, олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўқитувчиларининг, халқаро ташкилотлар ходимларининг ва ҳамма меҳрибон кишиларнинг хайрия-эҳсонлари натижасидир.

Йигит-қизларнинг яна бир эътиборга молик тадбири, бу — 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган жисмоний жиҳатдан имкониятлари чекланган ногирон болалар даволанадиган Республика Болалар полиомиелит касалхонасига бўлган ташрифидир.

Давлатимиз бу касал болаларга ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган. АКСЕЛС дастурлари битирувчилари ўтказаётган тадбирлар ижтимоий ва тиббий органларнинг бу йўналишдаги чора-тадбирларига зид эмас. Битирувчиларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари — бу касал, боқувчиси йўқ инсонлар билан соғлом авлод ўртасидаги айирмас тўсиқни йўқотиш. Тадбир иштирокчиларининг фикрича, бундай болалар ўзларини жамиятда ҳеч кимдан кам эмасликларини ҳис этишлари керак.

Иштирокчи-волонтёрлар саъй-ҳаракатлари туфайли полиомиелит касалхонасининг кичик истиқоматчилари учун кийим-кечаклар, китоблар, ўйинчоқлар, рангли қаламлар, дафтарлар олиб келинди.

Бундан ташқари талабалар иштирокида намойиш қилинган саҳна кўринишлари ҳамда болажонлар учун махсус тайёрланган бир қатор ўйинлар, расм сабоқлари болаларга жуда манзур бўлди ва бутун кун давомида уларга хуш кайфият бахш этди.

**Нодирбек ЮСУПОВ,**
**Машанло ЗОКИР.**

**... Саша ҳали 16 ёшга ҳам тўлмаган. Лекин икки марта қилмиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга «ҳисоб» берган. Мактабга бормай қўйганига ҳам анча бўлганига нима дейсиз? Бозорлар унинг севимли «маскани». Гавжум бозорлар ўғрилар учун «хазина» манбаи. Шу боис Саша доим бозор кезади. Бир куни «Чорсу»да бўлса, иккинчи кун «Олой» бозорида, учинчи куни эса Миробод бозорида ўзига ўхшаган ўғрилар билан «тирикчилик» қилади. Шунинг учун бозордаги сотувчилар Сашани кўрса «ана мирободлик «Гаврош» келяпти, дейишади.**

*Қилмиш-қидирмиш*

## САЁҚ ЮРСАНГ — ТАЁҚ ЕЙСАН

Бозорларда «иши» унчалик юришмаган Саша кейинги пайтда хонадонларга кириб ўғрилик қила бошлади. Бугун ҳам Миробод бозорида эски танишлари К.Сайдалиев билан В.Курдюбоевни кўриб қолиб, анчадан буён режалаштириб юрган ишини айтди:

— Пирмуҳамедов кўчасидаги уйларнинг бирида 2 та велосипед кўрдим. Уни ўғирлаш керак. Бозорда 100 мингдан камига сотмаймиз.

«Иш» излаб юрган ўғриларга «Гаврош»нинг бу гапи маъқул келди. «Операция» тунда «аъло» даражада адо этилди. Эртасигаёқ ўмарилган моллар «Қўйлиқ» бозорида 225 минг сўмга пуллаб юборилди. Мўмай пул қизларга ва ресторанларга сарфланди. Саша орадан икки кун ўтгач, Миробод бозорида яна «ҳамкасб»лари К.Сайдалиев ва В.Курдюбоевни кўриб қолди. — Энди бошқа туманда «иш» қилишимиз керак. Чунки жабрдийда Н.Зиёмуҳаммедова «уйимни ўғри урди», деб туман Ички ишлар бўлимига қатнаб юрибди, — деди Саша. — Шунинг учун «ов»ни Чилонзор туманида ўтказишимиз керак. Акс ҳолда «қопқон»га тушиб қолишимиз мумкин.

Суҳбат шу ерга келганида ўғриликда бозорда номи чиққан Алик Шариков қаердандир пайдо бўлди. Салом-аликдан сўнг у: — Дўстлар, қорним жуда оч. Бир эримайсизларми? — деди.

— Мен сен учун эрийман, «устоз» — деди Саша чўнтагидаги пулларни кўрсатиб. Улар Миробод бозори ёнидаги кафега кириб қиттак-қиттак отиб олишди. Харажатларни Саша тўлади.

— Бўладиган иш қилиш керак. Биронта автомашинани ҳайдаб шаҳардан четроққа олиб чиқиб «яланғоч» қилсак, эҳтиёт қисмларини эса Сергели бозорига олиб бориб ярим соатда пуллаб юборамиз. Энг асосийси, мен автомашинани яхши ҳайдайман.

Аликнинг таклифи «иш» қидираётган улфатларга маъқул тушди. Улар таксига ўтириб 1-Чилонзор даҳаси томон йўл олдилар. Йўлда кетаётиб Чилонзорга яқинлашгач Алик такси ҳайдовчисига «бизни шу ерда қолдиринг», деди. Алик катта йўлнинг ёнида давлат рақами 10L 03-47 бўлган «Москвич» машинаси турганини кўриб қолганди. Ўғрилар таксидан тушгач атрофни кузатган бўлишди. Ҳамма ўз иши билан овора.

— Сенлар шу ерда кузатиб туринглар. Беш дақиқадан сўнг келаман, — деди Алик.

Алик Шариков чўнтагидаги отвертка билан автомашинанинг эшигини очдию, кўп ўтмай «Москвич»ни ҳайдаб улфатларининг ёнига келди.- Ўғрилар кун бўйи «Москвич»да шаҳар кездилар. Сайрдан чарчаган улфатлар кечга яқин «Москвич»нинг рулини Яккасарой тумани ҳудудидаги маҳаллаларнинг бири томон буришди. Сўнг «Москвич»нинг бир қанча эҳтиёт қисмларини олиб автомашинанинг эшикларини ёпиб ўша ерда қолдириб кетишди. Сотилган эҳтиёт қисмларнинг пули эса «арра» қилинди. Мирободлик «Гаврош» баъзан ўзи, баъзан улфатлари билан бирга «ов»га чиқиб чўнтагида пачка-пачка пул юрадиган бўлди. Саша ёш бўлсада бир-икки ой ичида шаҳардаги «тажрибали» ҳамкасбларидан ҳам назарига тушиб улгурди.

«Тулки» лақабли Эркин Қаюмов деган ўғрини Мирободда «ҳамкасб»лар яхши билишади. У кейинги пайтда ўғриликларга фақат раҳбарлик қилиб келарди. Ёши ўтгач «ов»га ярамай қолганди. Балкондан ошиб тушиш, вазият тақозо қилганда муштлашиш, хавфни сезганда қочиб қутилиш ўғриларнинг хислатларидан. Қаригач эса... Ишнинг кўзини билган «қари тулки»лар «Гаврош»га ўхшаганлардан фойдаланарди. Александр Умаров ўз устозининг таклифи билан Миробод туманидаги Локомотив кўчасидаги уйни «супуриб» чиқади. Бироқ у ўғрилик молларини «Қўйлиқ» бозорида сотаётганда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинади.

Унинг «ҳамкасб»лари ҳам узоққа қочиб қутула олмади.

Биз мирободлик «Гаврош» — Александр Умаровнинг айрим «иш»лари ҳақида тўхталдик, холос. У энди суднинг ҳукми билан ўз қилмишлари ҳақида ўйлаб кўриш учун «дам» олишга жўнатилди.

**А.АЪЗАМОВ,**
**Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси**


Нефть ва газ геологияси ҳамда қидируви институти очиқ акциядорлик жамияти жамоаси «Узгеобургинефтқазибчиқариш» АК бош директорнинг ўринбосари Абдумуталиб Қодирович Қодировга волидаи муҳтарамаси

**РОҲИЛА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ҳамма мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари*

**ДИҚҚАТИГА**

***2004 йилнинг 10 ноябридан 10 декабригача Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш даврида муаммолар вужудга келса уларни ҳал қилиш учун Тошкент шаҳар Ёнғинга қарши кураш жамиятига мурожаат қилишни тавсия қиламиз.***

***Телефон: 65-98-55, 66-35-50***





**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-109.

1 2 3 4 6